

I

Кристофоро Голиш гавдасининг огирлигидан бир оз букилган оёкларини кериб, кўча ўртасида турарди; бошига кийшик кўндирган шапка гардиши уни юмалок голланд пишлогига ўхшатиб кўйган эди. Голиш кўлини силкиб:

– Беньямино! – деб кичкирди.

Баланд бўйли, хипчадан келган, ёши элликлар атрофидаги бир киши шамолда тебранаётган новдадек чайкалиб каршисидан келмокда эди. Рангпар юзидаги катта-катта кўзлари атрофга олазarak бокарди. У учига резина ўрнатилган хассага таянганча чап оёгини судраб келмокда эди.

– Беньямино!– кайта чакирди Голиш. Негадир овози бу сафар бошқача чикди. У кадрдон дўстини бу ахволда кўраман, деб сира ўйламаганди.

Беньямино Ленци негадир тез-тез киприк кокар, лекин кўз карашлари хамон ўша-ўша эди. Кўзлари бир зумда ёшга тўлди, лекин афти сира ўзгармади. Мўйлови остидаги бир оз кийшик лаблари кимирлаб, нимадир демокчи бўларди-ю, бироқ гапи ковушмай:

– Бу мени бол-адиган йў-лим,– дея дудукланди.

– Баракалла,– деди Голиш, каршисида гўё кадрдон дўсти Беньямино Ленци эмас, балки рахм-шафкатга мухтож ёш болакай тургандек. Уни совук тер босди.

Голиш дўстига якинлашиб, унинг юришига мос равишда кадам ташламокчи бўлди.

Афсуслар бўлсинки, бу жонсиз судралаётган оёкни гўё кандайдир номаълум кимса ер каърига тортаётгандек эди! Яримшол ва бадбашара, ўлим нафаси келиб турган бу кимсани кўриб, унга ачинаётганини хамда саросимага тушганлигини яшириш максасида Голиш Беньяминодан Римдан кетганидан бери шу вақтгача каерда юрганлиги-ю, қачон кайтиб келганлигини сўраб, саволларга кўмиб ташлади.

Беньямино Ленци дўстининг саволларига гўлдираш билан жавоб берди. Голиш эса берган саволларини Ленци тушундими, йўқми, деб шубхалана бошлади. Киприкларини тез-тез пирпиратиб туриши, у азоб чекаётгани ва жуда танг холатда эканлигини билдириб турарди. Бу хол чехрасида котиб колган галати саросималиқдан халос этмокчидек туюларди.Огир хасталик Беньямино Ленцида ўчмас из колдирганди. Унинг кўзларида хайрат ва кўркув мухрланиб колганди.

– Вой-вой-вой!– тишларини гижирлатиб деди Кристофоро Голиш мажрух дўстига ачиниб караётган одамларга газаб билан бокаркан.

Унинг газаби тобора ошиб, дили вайрон бўлмокда эди. Атрофдагилар кўчада енгил кадам ташлаб бораяптилар. Кандай бахт. Оёк-кўллари эркин харакатда, кандай яхши. Бошларини у ёк-бу ёкка бураяптилар. Тани соглик – туман бойлик, деб шуни айтсалар керак-да. Хўш, ўзининг кўриниши кандай! Бакувват, мускулдор вужудидан куч-кувват ёгилиб турибди. Кристофоро Голиш кўлини мушт килди. Жин урсин хаммасини! Шу тобда кимнингдир елкасига мушт туширгиси келиб колди. Кизик, нима учун мушт тушириши керак? Бунинг сабабини ўзи хам билмасди. Ўтиб кетаётганлар жигига тегмокда эди. Айникса, Ленцига ўгирилиб караётган бакувват ёшлар уни газабини келтирмокда. Голиш чўнтагидан хаво ранг дастрўмолини олиб, терга ботган юзини артди.

– Беньямино дўстим, каерга кетаяпсан?

Ленци юришдан такка тўхтади-да, соглом кўли билан кўча чироги устунига суянди ва

унинг нотекис жойларини пайпасларкан:

– Шифо-колга оё-кимни машк кий-дийгани,— дея котиб колган оёгини кўтармокчи бўлди.

– Машк килдиргани дейсанми?— сўради Голиш.— Оёгингни машк килдираяпсанми?

– Ха, оё-кимни,— жавоб кайтарди Ленци.

– Баракалла! — деди Голиш. Унинг кўнглида ногирон оёкка жон ато этиб, дўстини бу азобдан куткариш нияти пайдо бўлди.

Дўстини бундай ачинарли холатда кўриш Голиш учун жуда огир эди. Нахотки унинг каршисида турган ўша ёшлик йилларида гаройиб саргузаштлар ишкибози бўлган Беньямино Ленци бўлса? Икковлари хам уйланмай бўйдокликларича колиб кетдилар. Бўш вақтларини маишатда ва ўйин-кулги билан ўтказишни ёктирар эдилар. Кейинчалик Беньяминнинг хаётида ўзгариш рўй берди. У жуда эпчил чикиб колди. Гаплари бурро, катъий эди. У пайтларда Беньямино деганлари ишга муккасидан кетган, умид билан харакат киларди. Кутилмаганда, шундай холатга тушиб ўтирса-я... Бу ёғи кандок бўлди! Ачинарли ахволга-я!

Голиш дўстидан кўп нарсалар хакида сўрамокчи бўлди, аммо буни ўзига эп кўрмади.

Ундан сўрамокчи бўлган канча гаплари бор эди-я.

– “Фьяскеттерия Тоскана” баридаги бахсимиз ёдингдами?— эслатди у дўстига.— Надина эсингдами? Биласанми, хозир хам мен у билан учрашиб тураман. Ёдингдами, сен гайирлик килиб уни мендан тортиб олмокчи бўлгандинг? Ўшанда Надина сени жуда ёктириб колганди. Хали-ханузгача у сени эслайди. Бугун кечкурун уникига мехмондорчиликка ўтаман, сени учратиб колганимни унга айтаман. Кара, сен хам мени танимаётгандирсан, таниётган бўлсанг хам худди тушда кўраётгандекдирсан.

Голиш жикка ёшга тўлган кўзлари билан дўстига тикилар, Беньямино бармоклари билан тинмай ўзи суяниб турган чирок устунини пайпасларди.

Беньямино Ленци хозирда суяниб турган чирок устунини яхши эслаб колганди, чунки хар куни сайрга чикканида шу ерда бир оз дам олиш учун тўхтарди. Атрофда хаёт давом этмокда, одамлар унинг ахволига караб ачинар, кадам ташлашига хавотирланиб карашарди. Ленци эса хеч нарсани пайкамай, ўз хаёли билан бўлиб, шу тош кўчадан судралиб ўтарди. У бор кучини тўплаб, аввал кўча чирोगи устунига, сўнг шахар бозоридаги биронта дўконнинг кўргазма ойнаси олдигача етиб олишга жон-жаҳди билан харакат киларди. Бу ер эса иккинчи маротаба тўхтаб дам оладиган манзили эди. Беньямино Ленци шу ерда узок вақт туриб, кўргазмага кўйилган аргимчокка кизил богич билан богланган чинни маймунчани томоша килиб турарди. Кейинги пайтларда кўчанинг ичкарисисидаги бог девори олдида тўхтаб дам оладиган бўлди. Айнан уни даволайдиган шифокор хам шу кўчада истикомат киларди.

Шифокорнинг ховлиси шинамгина, гултувакларга экилган анвойи гуллару катта ёғоч кутиларга ўтказилган ёш бамбук, апельсин дарахтларига тўла эди. Шу билан бирга турли хил машк ўтказиладиган асбоб-анжомлар хам мавжуд эди. Бир бурчакда эса мустахам тахтачаларга кокилган халкачаларда айлана оркали ўтказилган аркон хам осилиб турарди.

Беньямино Ленци касал оёгини ёғоч педал устига кўйиб айлантира бошлади. Бу машк хар куни ярим соат давом этарди. Орадан икки-уч ой ўтгач, анча тетиклашиб, согайиб кетишига ўзида хам ишонч пайдо бўлган эди.

Бу манзарани бир оз кузатиб турган Кристофоро Голиш кўлларини силтаганча, катта-катта кадам ташлаб, ховлидан шитоб билан чикиб кетди.

Шу тобда Голишни шундай хис-туйгулар камраб олдики, гўё бу ахволга Ленци эмас, худди

Ўзи тушиб колгандек туюлди.

Голиш ўртогининг бундай ночор ахволига асло токат килолмай колди. Кўзлари газабдан чакнарди. Ақлдан озган одамдек кўлларини силкитиб, тишини тишига кўйганча кўча бўйлаб ўзи билан ўзи сўзлашиб борарди:

– Бу ёғи кандок бўлди-а? Сенинг ўрнингда бўлганимда, ўзимни хароб килдириб кўярмидим? Одамлар мазах килишларига чидаб юрармидим? Бошкалар мазза килиб юрсинлар-да, мен кулги-маломатга қолайми? Йўк, бу кунимдан ўлганим яхши. Кулги бўлишни истамайман.

Шу окшом, эртаси куни ва яна бир неча кун давомида унинг миясини факат шу ўй-хаёллар камраб олди. Содир бўлган бу хол уни васвасага солиб, на уйда, на ишда ва на кахвахонада тинчлик бермасди. Таниш-билишларни кўриб колгудек бўлса:

– Беньямино Ленцини кўрдингизми? – деб сўрарди. “Йўк” деб жавоб бергудек бўлишса:– Бечора шол бўлиб қолибди! Кандай яшаб юрибди, хайронман. Шифокор бўлганимда бу холдан кутқарармидим... Бечора педал айлантириб, оёгини харакатга келтираяпти. Тузалиб кетармикин? Бир минг саккиз юз олтмиш олтинчи йилда – ёшлик йилларида мен билан ёнма-ён туриб урушган ва дуэлда катнашган ўша Беньямино Ленци-да. Жин урсин, биз ўзимизни ҳеч қачон аяган эмасмиз. Хаёт шоду хуррамликларга тўла бўлсагина кадрли бўларкан. Бўлмаса, унинг кизиги йўк экан. Мен бу ахволга чидаёлмай ўзимни бир балога гирифтор килган бўлардим.

Нихоят, кахвахонада ўтирган улфатлар Голишнинг гапидан чарчашди.

– Мен жонимга қасд килган бўлардим,– деди Голиш.

– Тезрок айтганингни амалга ошир, биз ҳам совук гапларингдан кутулайлик,– деб хазиллашишди дўстлари.

Кристофоро Голиш улфатларининг гапига эътироз билдириб, кўлларини силтаб:

– Йўк, агар шундай холат рўй берса деяпман-да...– деди.

## II

Орадан бир ойлар чамаси ўтгач, Кристофоро Голиш опаси ва жияни билан бир дастурхонда кечки овқатни тановул килаётган пайтларида тўсатдан нафас ололмаётгандек кўзлари олайиб, огзи кийшайди-колди. У столга юзтубан йикилиб, таксимча устига бошини кўйди.

Худди унга ўлим шарпа солаётгандек эди. Бир зумда Голишнинг ўнг тараф аъзолари ишламай, гапдан колди.

Кристофоро Голиш Италияда тугилганди. Ота-онаси немис эдилар. Умрида Германияга бормаганди. У соф рим шевасида сўзлашарди. Дўстлари унинг Голиш исми шарифини аллақачонок итальянча Голиччи дея ўзгартириб юборган эдилар. Баъзилар эса, корни каппайганлиги, хаддан зиёд иштахаси зўрлиги учун унга Голачча, деб лақаб ҳам кўйиб олган эдилар. У баъзан хуфиёна гаплари бўлса опаси билан немис тилида сўзлашарди, холос.

Кристофоро Голиш гапира оладиган бўлганидан сўнг, у шифокорни хайратга солиб кўйди, итальян тилини мутлако унутиб, факат немис тилида сўзлаша бошлади.

Кизариб кетган, кўркув тўла кўзларини очиб, кийшайган огзи ва юзини чап тарафини харакатга келтириб, бўйсунмаётган тили билан бир нечта сўз айтмоқчи бўлди. Сўнг соғ кўли билан бошини ушлаб шифокорга немис тилида шундай мурожаат этди:

– Сиз... сиз... мўлжалга олиб мушт туширгандай...– деди.

Шифокор немис тилини тушунмади, укасининг гапидан эси чикиб кетган опаси бу гапларни таржима килишга мажбур бўлди.

Кристофор Голиш тўсатдан немисга айланди-колди. Аникрок килиб айтганда, у кайтадан немис бўлиб тугилди. Хотирасидан барча италян сўзлар чикиб кетганди. Шифокор бу холатни илмий асосда тушунтирмоқчи бўлди, ўз ташхисини кўйиб, муолажалар буюрди. Шифокор кетаётганда Голишнинг опаси уни бир четга олиб, бир неча кун аввал шол бўлиб колган эски кадрдони билан учрашиб колганида, агар ўзи ҳам шундай дардга чалингудек бўлса, жонига касд килишга онт ичганлигини айтиб берди. – Биласизми, доктор, худди шу касалга мубтало бўлишини аввалдан сезгандек, факат шу ҳақда гапиргани-гапирган эди. У жонига касд килиши турган гап. Мен жуда хавотирдаман.

Шифокор хайрихохлик билан илжайиб:

– Хавотир бўлманг, хоним, ҳеч кўркадиган жойи йўқ. Укангизга унинг бетоблиги бор-йўғи овқат хазм бўлмаганидан деб айтаман, мана кўрасиз...

– Лекин доктор!

– У ишонади, мен бунга кафилман. Чунки касали огир эмас, бир неча кундан сўнг оёқ-кўлларини кимирлата бошлайди. Вакт ўтгач, юриб ҳам кетади. Аста-секин юради. Ким билсин, вақт ўтиши билан у буткул кўрмагандек бўлиб кетиши ҳам мумкин... Бу унга жиддий оғохлантириш бўлди. У ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириши ва катъий тартибга бўйсуниб яшаши лозим. Факат шу йўл билан касал хуружи кайталанишидан узок вақт сакланиши мумкин.

Опаси кўзига калкиб чиккан ёшларини яшириш максасида, кўллари билан кўзларини юмиб олди. Шифокорнинг гапларига ишонмасдан дархол хизматкори ва ўгли билан маслахатлашиб, укасининг тортмада турадиган тўппончасини яшириб кўйиш режасини туза бошлади. Маслахатга кўра у хизматкор билан тўшакни тўгрилаб кўйиш бахонасида каравотнинг четиди туриб олганларида, тортмадан ўгли тўппончани билдирмай олиб чикиб кетадиган бўлди. Факат эҳтиёткор бўлишлари керак. Шундай килдилар ҳам. Опаси ўз эҳтиёткорлигидан енгил тин олди, чунки авваллари укасининг бундай касаллик ҳақидаги тушунтиришларига унча эътибор ҳам бермаганди. Худди шифокор айтганидек, укасига касалини оддий ошқозон касали деб тушунтирдилар.

– Ха... ха... бу оддий ошқозон касали...

Дарҳақиқат, укаси тўрт кунгача ошқозонида қандайдир нохушлик рўй бераётганини сезди.

– Меъда сустлиги... ха...ха... шундай.

“Нахотки танасининг ўнг тарафи шол бўлиб колганлигини укам сезмаётган бўлса?– дея ҳаёл сурадди опаси.– Нахотки у Ленцининг бошига тушган бу азоблардан сўнг оддий меъда сустлиги шундай дахшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ишониши мумкин бўлса, а?”

У ўз ихтиёри билан навбатчилик кила бошлаган биринчи кунданок гўё ёш болага ўргатгандек, унга меҳр билан унутилган италян сўзларини ўргата бошлади. Укасидан эса нима учун италян тилида гапирмаётганини сўради.

Голиш опасига хайрат-ла боқди. У хозир немис тилида сўзлашаётганини ҳам пайкамаётганди; у дабдурустан немис тилида сўзлаша бошлади, бошка тилда сўзлашиш эса унинг ҳаёлига ҳам келмасди. Голиш опаси ўргатаётгандай килиб, италян сўзларини кайтаришга тушди. Бирок у опаси ўргатаётган италян сўзларини немис тилида талаффуз қиларди. Жияни Жеванниони Чоугато деб атай бошлади, тоғам мени

хазиллашиб шундай ном билан атаяпти, дея кулиб кўярди жияни.

Орадан уч кун вақт ўтгач, “Фьяскеттерия Тоскана” қахвахонасида Голишнинг бошига тушган кулфатдан хабардор бўлган дўстлари кўргани келдилар. Италиян тилини янгидан ўрганаётган Голишни кўриб, ахволига ачиндилар. Голиш эса ўрганаётган сўзларининг маъносини фахрламасди ҳам.

Голиш галати ахволга тушиб колганди. Маълум бир дақиқада у абадий давом этгучи оламга шўнгиган-у, сўнг у ердан бутунлай бошқа инсон – кирк саккиз ёшли ажнабий гўдак бўлиб тугилгандек эди.

Голиш ишламай колган кўлини илк бор кимирлатганида шундай хурсанд бўлиб кетганини кўрсангиз эди! Оёғи эса кимирлай демасди. Лекин у оёғи ишлаб кетишига умид боғларди. Кристофоро Голиш оёғини ҳаракатга келтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат киларди.

– Қалай?– сўради у дўстларидан.

– Яхши, якин кунларда юриб кетасан,– далда беришарди унга дўстлари.

Голишнинг яшайдан умиди катта эди. Хар эҳтимолга қарши дўстлари ҳамширадан беморга эътибор билан қараб туришини илтимос килдилар.

– Биласизми, кутилмаганда хар қандай воқеа рўй бериши мумкин. Хотираси ҳам тикланиши турган гап. Голиш дўсти қасал бўлганида ноҳуш фикрни миясига ўрнаштириб олганди: худо кўрсатмасин, хуруж яна қайтарилиб қолса борми, унда хар нарсани кутиш мумкин.

Хозирда Голиш эмас, балки дўстлари ноҳуш фикрлар гирдобиде эдилар. Орадан йигирма кун ўтгач, опаси ва жияни етовида хона ичида бир неча қадам босаётганидаги хурсандчилигини кўрсангиз эди! Шу тобда ундан бахтли одам йўқ эди дунёда! Гўё онадан қайта тугилгандек эди. Худди ёш боладек қадам босаётганидан хурсанд бўларди. Арзимас нарсага йиглаб ҳам оларди. Хонадаги ҳамма нарса унга жуда қадрдон кўринарди. Уларнинг ёнига бориб, кўли билан пайпаслаб кўрар, кўзига ёш олганча, қалби шодликка тўлиб судралиб қадам босарди. Бошқа хонадаги жихозларни ҳам узок вақт томоша қилиб турар ва шу хоналарга қириб боришни орзу қиларди. Ха, опаси билан жияни қўлтигига қиришса борми, у ҳамма хоналарни айланиб чиқарди. Кейинчалик Голиш жиянидан ёрдам сўрамай қўйди. Опаси ёрдамида соғ қўли билан хассага суянганча хонама-хона кеза бошлади. Тез орада бировнинг ёрдамисиз, факат хасса билан юра бошлади ва ниҳоят, Кристофоро Голиш атрофдагиларга ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

– Энди-чи, энди... хассасиз юрсам дейман...

Голиш хассасига таянмай икки-уч қадам ташлади, лекин дархол курсига ўтириб олишига тўғри келди. У анча озиб-тўзган, ташки кўриниши опасига ўхшаб кетганди.

– Бейамин!– дўстининг исмини бузиб чақирди Голиш.

Беньямино Ленци дўстининг шол бўлиб қолганлигини кўриб, ажабланмади ҳам. Мўйлови остидаги лабларини чўччайтирди, холос, шу лахзада ўнг юзи бир оз қийшайиб, тамшанганча деди:

– Сенга ҳам юкибди-да?– дея педал айлантиришда давом этди.

Эртаси қуни Кристофоро Голиш шифокор хузурига опасининг ёрдамисиз бормоқчи бўлди. Беньямино эса ёлғиз ўзи қатнардди, Голиш ҳам ундан ортда қолмасликка аҳд қилди. Аввалига опаси ўғлига тоғасининг ортидан сездирмай қузатиб, назорат қилиб юришни тайинлади. Опанинг қўнгли хотиржам бўлгач, ёлғиз ўзи шифокор хузурига боришига рўхсат этди.

Энди хар куни эрталаб бир вақтда иккита ногирон дўст йўлда учрашиб шифокор хузурига бирга катнайдиған бўлдилар. Уларнинг йўналишлари бир хил эди – аввал кўча чирогини устунига етиб олишлари керак эди, сўнгра пастликка тушиб, бозор расталаридан ўтиб боришар, кўрғазмага кўйилган аргимчокда ўтирган чиннидан ясалган маймун боласини узок томоша килгач, богнинг панжараси олдиға етиб олишлари зарур бўларди. Бугун Голишнинг хаёлиға ажойиб бир фикр келди. У дўсти Ленци билан фикрини ўртоқлашиш учун ошиқа бошлади. Икки дўст – кўча чирогининг устунига суянганча нигохларини бир-бирларига кадаб, нима демокчи бўлганларини тушунар ва кулгидан оғзиларининг таноби кочарди. Улар гапирётган сўзларини бузиб талаффуз килганча бир тўхтамға келдилар, Голиш хассасини кўтариб кўчадаги извошчини имо билан чакирди. Извошчи аввал биттасини, сўнг иккинчисини араваға чиқарди, мана энди улар Испания майдонида истикомат килаётган Надинаникиға мехмонға кетмокда эдилар. Пиллапоялардан юкориға минг азобда чикиб, хансираб турган бу икки шахсни кўриб, Надинанинг эси оғиб колаёзди. Бечора Надина кулишини ҳам, йиглашини ҳам билмасди. Уларға ёрдамлашиб, икковларини ҳам мехмонхонаға бошлаб кирди ва ўз ёнидан ўтиришлари учун жой кўрсатди. Сўнг худди тарбиячиларға ўхшаб, кочиб келган ёш, шўх болаларға дакки бераётгандек, ўйламай килган ишлари учун уларни койий кетди. Беньямино Ленци аразлаган ёш боладек афтини бужмайтириб, йиглаб юборди. Голиш эса аксинча, ковогини уйганча ташриф буюришдан максад, унга ажойиб – сирли совға килмокчи бўлганликларини айтди.

– Мени йўқлаб келганларинг учун бошим кўкка етди, рахмат,– шоша-пиша деди Надина.– Яшаворинглар! Икковингизлар ҳам зўрсизлар... Уйимға кадам ранжида килиб, бошимни осмонға етказдинглар. Мен айтган гапимдан хижолатдаман, лекин сизларнинг фойдангизни кўзлаган эдим... Меникигача етиб келиш, устиға-устак пиллапоялардан юкориға чиқишда кийналган бўлсангиз керак, деб... Беньямино, кўй, азизим, йиглама... Сенға нима бўлди ўзи. Бардам бўл, Беньямино! – дея Надина оппок, чиройли, дўмбоккина кўллари билан унинг юзини силаб кўйди.– Сенға нима бўлди? Кани, менға бир кара-чи!.. Уйимға келмокчи эмасмидинг, а? Сени анави ярамас бу ерга бошлаб келган бўлса керак? Шунинг учун мен уни эркаламоччи эмасман. Бас кил, сен менинг арслоним, кадрдонимсан. Йиглама, кўз ёшларингни ўзим артиб кўяман. Ана шундай, шундай килиб. Мана бу ажойиб феруза кўзли узукка карагин-а? Уни менға ким совға килган? Бу узукни ким ўз Надинасига совға килган? Эгнимдаги чиройли кўйлакни-чи? Кани, топ-чи? Сен мен учун энг кадрли инсонсан, азизим,– дея Беньямининг пешонасидан ўпиб кўйди. Сўнг ўрнидан даст турди-да, кўз ёшларини артиб олгач:

– Сизларни нима билан мехмон килсам экан-а?– деди Надина. Унинг килган ишидан

Кристофоро Голишнинг дили ранжиди, томогидан овкат ўтмади. Беньямино Ленци ширинликдан бир бўлак ейишға розилик билдирди. У Надина узатган ширинлик томон чўзилиб, оғзини очмокчи эди, Надина кикирлаб кулганча ширинликни Беньяминодан олиб кочиб:

– Йўк, йўк, бермайман,– дея хазиллашди.

Топишиб олган икки кадрдон дўст гаройиб кайфиятда эдилар. Улар кувонгандан кувониб, тинмай кулардилар.

**Русчадан Назира Жўраева таржимаси**

